

## ОЛХҮРИ ДАНАГИ АСОСИДА ОЛИНГАН УГЛЕРОДЛИ АДСОРБЕНТЛАР МОДИФИКАЦИЯСИ

**Салиханова Д.С.**

ЎзРФА Умумий ва ноорганик кимё институти т.ф.д., проф.

E-mail: [salihanova79@mail.ru](mailto:salihanova79@mail.ru)

**Усмонова З.Т.**

Наманган муҳандислик-технология институти таянч докторанти,

E-mail: [usmonova.zulfiya80@mail.com](mailto:usmonova.zulfiya80@mail.com)

### **АННОТАЦИЯ**

Ушбу тадқиқот ишида оқава сувларни тозалаш учун мўлжалланаётган олхўри данаги чиқиндисидан пиролиз қилиш орқали олинган углеродли углеродли ишқор ёрдамида фаоллантириш ҳамда унда бензол буғи адсорбцияси ўрганилган.

**Kalit so‘zlar:** olxo‘ri danagi, chiqindi, piroliz, NaOH, nisbat, konsentrasiya, faollantirish, benzol, eksikator, Mak Ben...va hok.

### **ABSTRACT**

In this research work, activation of carbons obtained by pyrolysis of plum seed waste intended for wastewater treatment with alkali and adsorption of benzene vapor on it was studied.

**Key words:** plum kernel, waste, pyrolysis, NaOH, ratio, concentration, activation, benzene, desiccator, Mc Ben.

Бугун турмуш тарзимизни енгиллаштириш учун ўз маҳсулотларини таклиф этаётган компаниялар, завод-фабрикалар ва саноат корхоналаридан чиқаётган

чиқиндилар ҳамда энг эътиборлиси ифлосланган сув муаммоси доимий равишда ечимини кутаётган масалалар сирасига киради. Ушбу масалалар ечими учун турли тадбирлар, синов тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, республикамиз миқёсида етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш орқали пайдо бўлаётган чиқиндилар ҳам ечимини кутаётган муаммолардан бири хисобланади. Булар орасида олхўри мевасини сақлаш, қайта ишлаш ва савдоси орқали ҳам йирик миқдорда чиқиндилар, яъни олхўри данаги чиқиндиси пайдо бўладики, ушбу чиқиндидан оқилона фойдаланишнинг турли йўлларини синаб кўриш муҳим тадбир хисобланади. Ушбу тадқиқот ишида олхўри данаги чиқиндисидан пиролиз қилиш орқали олинган углеродларни ишқор ёрдамида фаоллантиришда ҳарорат ва концентрациянинг таъсири ўрганилган.

Дастлаб, олхўри данаклари teng миқдорда тортилиб 6 та намуна: 300, 400, 500, 600, 700, 800 °C да ҳавосиз мухитда пиролиз қилинди. Бу орқали масса йўқолишини ҳароратга таъсири ўрганилди. Кузатишлар шуни кўрсатдики, ҳарорат 80 °C га кўтарилиганда пиролиз қурилмасининг чиқиши шлангидан оқ тутун чиқиши бошлади. Бу тутун ҳарорат 300-400 °C оралиғида энг кўп миқдорни ташкил этди. Бу данак таркибидаги органик бирикмаларнинг айнан шу ҳарорат оралиғида кўп миқдорда чикиб кетиши ва карбонлаштириш жараёни билан изохланади. Ҳарорат 450-600 °C оралиғида оқ тутун чиқиши бирмунча камайиб боргани кузатилди. Пиролиз қилинган намуналарни ишқор ёрдамида фаоллантириш учун тезкор усул, яъни эксикатор усули ёрдамида танлаб олинган 500 °Cда пиролиз қилинган углеродлар танлаб олинди. Дастлаб, NaOH нинг 10, 20, 30% эритмалари тайёрлаб олинди. Шундан сўнг ҳар бир фоизли эритмага бўктириш учун дисперслиги 0,75 мм бўлган намуналардан 20 грдан олинди ва 1:0,5, 1:1, 1:2, нисбатларда 2,5 соатга ишқорга бўктирилди. Сўнгра, бўккан намуналар қуритиш шкафида қуритилди. Қуритилган намуналар 300, 500, 700, 800 °C да ҳавосиз мухитда термик ишлов берилди. Термик ишлов берилган намуналар дистилланган сув ёрдамида нейтралланди ва 0,25 мм элакдан


үтказилиб, Мак Бен Бакра қурилмаси орқали уларнинг адсорбцион хусусияти ўрганилди. Ўрганишлар шуни кўрсатдик, 30% NaOHга бўктирилган ва 800 °C да 1:1 нисбатда термик ишлов берилган намуна Мак Бен Бакра қурилмаси орқали текширилганда адсорбцион хусусиятини қолганларга нисбатан энг қўп намоён қилди.

Адсорбция жараёнининг асосий кўрсаткичларидан бири бу доимий ҳароратда ( $T=const$ ) ютилган моддаларнинг ( $a$ ) газнинг нисбий босимига ( $P/P_s$ ) нисбати графигидир. Адсорбция изотермаси қуйидаги формуладан топилади:

$$a = \frac{1000}{M_r(C_6H_6) * (h - h_x)}$$

бу ерда:  $P$ -босим, мм.рт.ст.;  $h$ -чўзилган пружина узунлиги, мм;  $h_x$ -адсорбентда адсорбатнинг ютилишидан сўнг чўзилган пружина узунлиги, мм;  $a$ -ютилган адсорбент миқдори, мол;  $P/P_s$ -нисбий солиштирма босим, мм.рт.ст.

Синов натижаси қуйидаги параметрларда изохланади:



**Расм.** 30% NaOHга бўктирилган ва 800 °C да 1:1 нисбатда термик ишлов берилган намунанинг Мак Бен Бакра қурилмаси орқали текширилган синов натижаси

Изотермалардан кўриш мумкинки, нисбий солиштирма босим нолдан  $P/P_s=0.4$  гача адсорбция секинлик билан тўйинишга яқинлашади. Адсорбция секинлик билан ортиб тўйиниш ҳолатига яқинлашиб бориши кузатилди. Паст нисбий босимларда адсорбция изотермаларининг кескин қўтарилиши бензол

буглари дастлабки ютилишларда адсорбцион потенциали юқори бўлган юзаларга адсорбцияланади дейишимизга асос бўлади.

1- жадвал.

Адсорбент	$a_m$ моноқават сигими, моль/кг	S солиширма юза, $S \cdot 10^{-3}$ , м <sup>2</sup> /кг	$W_s$ Тўйиниш ҳажми, as, моль/кг
Олхўри данаги	1,558	375,14	0,26175

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ушбу синов натижалари данак таркибидаги ғовакларни очилишига дисперслик, вақт, ҳарорат ва концентрациянинг таъсири қай даражада эканлигини билиш имконини беради.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР: (REFERENCES)

1. "Технический анализ нанопористых материалов" И.К.Гиндулин, Ю.Л.Юрьев. Екатеринбург. 2011.
2. Iftixorovna K. M. Study of properties and methods of carbon-containing raw material activation //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 11. – С.
3. Ю. В. Тамаркина, В. А. Кучеренко, Т. Г. Шендрик  
Институт физико-органической химии и углехимии имени Л.М. Литвиненко НАН Украины, Донецк